

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДОНИЁРОВА ФАРАНГИСБОНУ АЛИШЕР ҚИЗИ**

**АУТИЗМДА НЕВРОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ ПАТОГЕНЕТИК  
МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТЕРАПИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 - Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктор наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Дониёрова Фарангисбону Алишер қизи**

Аутизмда неврологик бузилишларнинг патогенетик механизмлари  
ва терапияни такомиллаштириш .....

3

**Дониёрова Фарангисбону Алишер қизи**

Патогенетические механизмы и оптимизация терапии  
неврологических нарушений при аутизме .....

27

**Doniyorova Farangisbonu Alisher kizi**

Pathogenetic mechanisms and optimization of therapy for neurological  
disorders in autism.....

51

**Эълон қилинган ишлар руйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДОНИЁРОВА ФАРАНГИСБОНУ АЛИШЕР ҚИЗИ**

**АУТИЗМДА НЕВРОЛОГИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ ПАТОГЕНЕТИК  
МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТЕРАПИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 - Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.DSc/Tib851 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Хайдаров Нодиржон Қодирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибодуллаев Зарифбой Раджабович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Садыкова Гулчехра Кабуловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ешимбетова Саида Закировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон  
Республкаси)

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90), e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz) ).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс (+99871) 214-82-90).

Диссертация автореферати 2025 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Ж. Матмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Б. Азизова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.К. Хайдарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати** Сўнгги йилларда аутизм спектри бузилиши (АСБ) бўлган болалар сони ортиб бормоқда. Бу фақатгина ташхис қўйиш имкониятларининг яхшиланиши билан эмас, балки ушбу патологиянинг ҳақиқий тарқалишининг ўсиши билан ҳам боғлиқ. Халқаро маълумотларга кўра, АСБ ҳолатлари ҳар 10.000 нафар болага нисбатан 16 тадан 56 тагача ошган, бу эса глобал тенденцияни акс эттиради ва соғлиқни сақлаш тизимида жиддий ташвиш уйғотмоқда<sup>1</sup>. АСБ кўпинча хулқ-атвор, нутқ, когнитив ва эмоционал соҳаларда сезиларли бузилишлар билан намоён бўлади, бу эса болаларнинг эрта ёшдаги оғир дезадаптацияси ва ногиронлигига олиб келади. Аутизмнинг эрта аниқланиши ва комплекс реабилитациясиз 90% дан ортиқ болалар функционал мустақилликка эриша олмайди, таълим олишда, ижтимоий мослашувда ва асосий ҳаётий кўникмаларни шакллантиришда жиддий қийинчиликларга дуч келади. Айниқса, неврологик симптомлар ва иккинчий психоэмоционал бузилишлар биргаликда учрайдиган беморлар энг юқори хавф остида ҳисобланади. Шу боис, асосий вазифалардан бири - юқори самарали, объектив биологик индикаторларга асосланган диагностика ва шахсийлаштирилган терапия усуллари ишлаб чиқишдир.

Жаҳон тиббиёти ҳозирги кунда АСБ патогенези механизмларини, жумладан, нейроялғиланиш, нейромедиаторлар алмашинуви ва цитокинлар мувозанатининг бузилиши каби омилларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратаётир. Клиник-неврологик кузатувларни биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар натижалари билан интеграция қилиш нафақат аутизмнинг клиник турларини аниқлашга, балки касалликнинг ривожланиши ва терапияга жавоб беришини олдиндан башорат қилишга имкон беради. Ана шундай ёндашувлар замонавий далилларга асосланган тиббиёт талаблари ва АСБ бўлган болаларга шахсийлаштирилган ёндошув стратегиясига мос келади.

Мамлакатимизда тиббий ёрдамни янада ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари

---

<sup>1</sup> Maenner M.J., Shaw K.A., Bakian A.V. et al. Prevalence and characteristics of autism spectrum disorder among children aged 8 years — Autism and Developmental Disabilities Monitoring Network, 11 Sites, United States, 2020 // *MMWR Surveillance Summaries*. 2023; 72(2):1–12. DOI: 10.15585/mmwr.ss7202a1

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сонли «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва буйруғи ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>** Жаҳоннинг йирик илмий марказларида аутизмни ташхислаш, патогенезини ўрганиш ва даволашни такомиллаштириш мақсадида бир қатор илмий йўналишларда комплекс тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аутизмни эрта аниқлаш, унинг нейровоспалител механизмларини ўрганиш ва патогенетик терапияни шакллантириш бўйича илмий изланишлар қуйидаги нуфузли марказ ва университетларда амалга оширилмоқда: Yale University, University of Edinburgh, Max Planck Institute for Human Cognitive and Brain Sciences, Peking University, University of São Paulo, McMaster University, University of Barcelona, University of Auckland, University of Cape Town, Tel Aviv University, National Taiwan University, University of Vienna, King’s College London, University of Helsinki, University of Delhi (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой, Бразилия, Канада, Испания, Янги Зеландия, Жанубий Африка, Исроил, Тайвань, Австрия, Ҳиндистон ва бошқалар). Аутизмнинг ёш, жинс ва патогенетик хусусиятлари, диагностика ва терапевтик ёндашувларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилган: Аутизмнинг эпигенетик ва популяцион жиҳатлари: Yale University ва University of Edinburgh тадқиқотчилари турли этник ва ижтимоий муҳитларда аутизмни кечиши, унинг геномга таъсири ҳамда ген-муҳит ўзаро таъсирини ўрганишди; аутоиммун компонентларини таҳлил қилиш: Max Planck Institute ва Tel Aviv University мутахассислари аутизмда микроглия фаоллашуви, интерлейкинлар ва TNF- $\alpha$  даражалари билан боғлиқ нейроиммун ўзгаришларни аниқладилар; когнитив ва сенсор интеграция бузилишларини нейропсихологик ўрганиш: University of São Paulo ва University of Auckland томонидан аутизмли болаларда сенсор қайта ишлаш, диққат, вербал ва невербал воситалардаги фарқлар аниқланди; микробиота ва “ичак-мия” ўқи тадқиқотлари: Peking University ва National Taiwan University олимлари ичак флораси билан

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.yale.edu](http://www.yale.edu), [www.ed.ac.uk](http://www.ed.ac.uk), [www.cbs.mpg.de](http://www.cbs.mpg.de), [www.pku.edu.cn](http://www.pku.edu.cn), [www5.usp.br](http://www5.usp.br), [www.mcmaster.ca](http://www.mcmaster.ca), [www.ub.edu](http://www.ub.edu), [www.auckland.ac.nz](http://www.auckland.ac.nz), [www.uct.ac.za](http://www.uct.ac.za), [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il), [www.ntu.edu.tw](http://www.ntu.edu.tw), [www.kcl.ac.uk](http://www.kcl.ac.uk), [www.helsinki.fi](http://www.helsinki.fi), [www.du.ac.in](http://www.du.ac.in) сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

нейроинфламация ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб, пробиотиклар билан даволаш имкониятларини баҳолашди; Функционал нейровизуализация ва аниқлаш усуллари: University of Vienna ва King's College Londonда аутизмда функционал магнит-резонанс томографияси (fMRI) ва ЭЭГ орқали эрта биомаркерларни аниқлаш бўйича ишланмалар олиб борилди; Индивидуаллаштирилган терапевтик ёндашувлар: University of Helsinki ва McMaster University мутахассислари боланинг фенотиби ва биомаркер профилига асосланган индивидуал терапия схемаларини таклиф қилишди. Ҳозирда дунёда аутизм соҳасидаги илмий тадқиқотлар қуйидаги йўналишларда фаол олиб борилмоқда: аутизм патогенезига таъсирини баҳолаш;

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аутизмни ўрганиш соҳасида катта ютуқларга қарамай, аутизм спектри бузилишлари (АСБ) ҳозирги тиббиёт, психоневрология ва нейроилмнинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Охирги ўн йилликлар мобайнида аутистик белгиланинг шаклланиши учун ягона патогенетик омилни аниқлашнинг иложи бўлмади, бу эса касалликнинг клиник ва биологик жиҳатдан юқори даражадаги гетерогенлиги билан боғлиқ. Ҳозирги илмий қарашлар аутизмни кўп омилли, нейроривожланишга оид бузилиш сифатида таърифлайди, у болаликнинг дастлабки босқичларида намоён бўлади ва эмоционал, нутқ ва ижтимоий фаолиятнинг турли жиҳатларини қамраб олади.

Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, АСБ патогенезининг асосий жиҳатлари нейрохимик мувозанатнинг бузилиши, сурункали нейрояллиғланиш жараёнлари ва синапслараро сигнал узатиш дисфункцияси ҳисобланади. Хусусан,  $\gamma$ -аминомасляная кислота (ГАМК), серотонин,  $\beta$ -эндорфин каби медиаторлар, шунингдек, окситоцин ва BDNF (миёваспецифик ўсиш омили) сингари нейропептидларнинг иштирок этиши илмий жиҳатдан исботланган. Ушбу моддалар даражаси аутизмга чалинган болаларда нейротипик тенгдошларига нисбатан сезиларли даражада фарқ қилади. Шу сабабли, улар диагностика ва прогноз беришда истиқболли биомаркерлар сифатида қаралмоқда [Lord C. et al., 2020; Sgritta M. et al., 2019].

Шунингдек, аутизм аломатларининг пайдо бўлишида умумий яллиғланиш жараёнларининг роли ҳақидаги тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, IL-6 ва TNF- $\alpha$  каби яллиғланишни рағбатлантирувчи цитокинлар миқдорининг ошиши, айниқса неврологик ва гастроэнтерологик коморбид ҳолатлар мавжуд бўлган аутизмли болаларда кузатилмоқда. Цитокин профили мувозанатининг бузилиши АСБнинг оғир шаклларини аниқлашда ташхисий мезон, шунингдек, бемор аҳволининг ёмонлашишини башорат қилувчи кўрсаткич сифатида хизмат қилиши мумкин [Napoli E., et al., 2021; Hughes H.K. et al., 2018].

Ўзбекистонда 2020-2024 йилларда аутизм спектридаги бузилишлар бўйича клиник, неврологик, микротокли рефлексотерапияни кулланиши, бўйича тадқиқотлар олиб борилган. (Хусенова Н.Т.; Эргашева Н.Н., 2024; ) Аммо аутизмнинг патогенези, интерлейкин биомаркерлари ва клиник

формалари (Каннер, Аспергер) ўртасидаги фарқлар тўлиқ ёритилмаган. Ушбу диссертацион ишда айнан шу йўналишлар қамраб олинди ва патогенезга асосланган индивидуал терапия усуллари ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, мавжуд илмий асослар замонавий лаборатория маълумотларини ҳисобга олган ҳолда янада кенгайтиришни талаб этади. Клиник манзара, биомаркерлар даражаси ва терапия самарадорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқур ўрганиш нафақат АСБ патогенезини яхшироқ тушунишга, балки даволаш ва коррекцион тадбирларнинг сифатини ва мақсадлилигини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Бу, айниқса, эрта аралашув доирасида муҳим, чунки ҳатто озгина яхшиланиш боланинг ижтимоий мослашув прогнозини тубдан ўзгартириши мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 2018–2022 йиллар давомида амалга оширилган №Н5436-012000260-сонли мавзудаги «Ўзбекистон Республикасининг турли аҳоли гуруҳлари саломатлиги кўрсаткичларига таъсир этувчи тиббий-биологик, ижтимоий-гигиеник, экологик ва бошқа омиллар ҳамда уларни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги ишлар доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда аутизм спектри бузилишларининг клиник-неврологик ва патогенетик хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш, шу асосда эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган шахсийлаштирилган прогностик моделларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари.**

аутистик спектр бузилишлари бўлган болаларда клиник-неврологик кўрик натижалари асосида ўзига хос неврологик бузилишларни аниқлаш ва уларнинг учраш тез-тезлигини баҳолаш;

аутистик спектр бузилишлари бўлган болаларни солиштирма таҳлил қилиш жараёнида нутк олди ва нутқ ривожланишининг суръати ва хусусиятини, ирсий ва перинатал омилларни, нейропсихологик синдромларни ҳамда уларнинг ўзгаришини аниқлаш;

клиник ва нейропсихологик хусусиятларга таянилган ҳолда Каннер синдроми ва Аспергер синдроми гуруҳлари ўртасида дифференциал ташхис ўтказиш;

касаллик оғирлигининг даражаси, клиник манзара хусусиятлари, ҳаракат гиперактивлиги ва интеллектуал ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда аутизм спектрадаги бузилишлар патогенезида иштирок этувчи нейромедиатор, нейротрофик, нейропротектив ва яллиғланиш олди компонентларнинг аҳамиятини таҳлил қилиш;

нейротрансмиттер, нейротрофик, нейропротектив ва яллиғланиш олди омиллар билан клиник белгиларнинг оғирлик даражаси ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

аутистик спектр бузилишлари бўлган болаларда клиник белгиланинг шаклланиш патогенетик механизмлари асосида ушбу бузилишларни

коррекция қилишда психомотор терапиянинг дифференциал ёндашувини ишлаб чиқиш ва эрта ташхис қўйиш учун шахсийлаштирилган прогностик моделларни тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида АСБнинг турли шакллари билан оғриган 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган 240 нафар болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник-неврологик кўринишлар, нейромедиаторлар (ГАМК, серотонин,  $\beta$ -эндорфин, окситоцин, BDNF), S-100 оксиди ва яллиғланиш олди ситокинларининг қондаги миқдори, шунингдек, психомотор терапия натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-анамнестик текширув, нейropsихологик тестлаш, биокимёвий ва иммунологик таҳлиллар (ИФА), CARS, AQ-child шкалалари, вариацион статистика, корреляцион таҳлил ва башоратни математик моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Каннер ва Аспергер синдромлари бўлган болаларда сенсомотор ҳатти-ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда клиник-этиологик дифференциал ташхис қўйиш мезонлари ишлаб чиқилган;

Каннер ва Аспергер синдромлари бўлган болаларда клиник аломатларнинг оғирлиги ва яққол намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда нейротрансмиттерлар, нейропротектив омиллар ва гипоксик-ишемик зарарланиш индикаторларини ўз ичига олган нейрокимёвий ва яллиғланиш маркерларининг комплекс таҳлили амалга оширилган;

Каннер ва Аспергер синдромлари патогенезида нейротрофик, нейромедиатор ва яллиғланиш олди омиллар дисфункцияси етакчи роль ўйнаши, серотонин, ГАМК, окситоцин ва BDNF даражалари паст бўлиши ҳамда  $\beta$ -эндорфин, S-100 ва IL-6 концентрацияларининг юқори бўлиши клиник белгиланиш шаклланиши ва кучайиши билан боғлиқ эканлиги исботланган;

клиник симптомларни оғирлик аломатларининг яққоллиги ва когнитив етишмовчилик даражасига қараб психомотор терапияни дифференциал қўллаш клиник белгиларнинг пасайиши ва когнитив функцияларнинг яхшиланишига ёрдам бериши исботланган;

клиник, нейropsихологик ва биокимёвий текширувлар натижаларини интеграция қилиш асосида аутизм спектридаги бузилишлари бўлган болаларда эрта клиник белгиларни аниқлаш учун прогностик модель ишлаб чиқилди ҳамда ушбу гуруҳдаги беморларни эрта диагностика қилиш ва олиб бориш тактикаси учун алгоритм таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

аутизм спектридаги бузилишлар ривожланиш хавфини баҳолаш учун клиник, нейropsихологик ва биохимик кўрсаткичларга асосланган ҳолда комплекс диагностик алгоритм ишлаб чиқилган;

AQ-Child, CARS ва нейropsихологик баҳолаш шкалалари аутизмни эрта босқичда аниқлашда ишончли скрининг воситаси сифатида амалиётга жорий этиш тавсия қилинган;

клиник ва лаборатор маълумотларга асосланган ҳолда аутизм хавфини пасайтириш имконини берадиган балл шкаласи яратилди ва уни скрининг тадбирларида қўллаш таклиф этилган;

аутизмни даволашда патогенетик механизмларни ҳисобга олган ҳолда терапияни индивидуаллаштиришга қаратилган ва психомотор коррекцияни ўз ичига олган терапевтик алгоритм ишлаб чиқилган;

аутизмнинг илк давридаги белгиларига асосланган ҳолда прогнозлаш имконини берадиган прогностик моделлар таклиф этилиши уларни амалиётда эрта реабилитация ва профилактикада қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотларда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, иммунологик, биокимёвий ва статистик усулларнинг қўлланилганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, болаларда аутизмни эрта ташхислаш механизмини такомиллаштирилганлиги, шунингдек, уларнинг халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор нейротрансмиттер, нейропротектив, нейротрофик ва яллиғланиш олди омиллари, шунингдек биокимёвий маркерлар (серотонин, ГАМК, β-эндорфин, BDNF, S-100, IL-6, TNF-α) ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда аутистик спектр бузилишларининг патогенетик механизмларини тизимли таҳлил қилиш билан изоҳланади. Ушбу кўрсаткичлар даражаси ва аутизм клиник кўринишларининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, бу эса Каннер ва Аспергер синдромли болаларда бузилишлар ривожланишининг патогенетик асосланган моделини таклиф қилиш имконини берди. Илк бор неврологик бузилишларнинг оғирлиги ва когнитив етишмовчилик даражасига қараб психомотор терапияни дифференциал қўллашнинг юқори самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мойиллик биомаркерларини эрта аниқлаш, AQ-child ва CARS шкалалари бўйича динамикани баҳолаш, шунингдек, шахсийлаштирилган психомотор терапияни қўллашни ўз ичига олган аутизмни ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат. Аутизм билан касалланган болаларнинг аралашуви ва ижтимоий мослашуви самарадорлигини оширишга қаратилган неврологлар, педиатрлар ва коррекцион педагогика мутахассислари учун амалий тавсиялар тақдим этилган. Натижалар ихтисослаштирилган муассасалар фаолиятига жорий этилган, бу уларнинг клиник ва ташкилий қийматини тасдиқлаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Олинган илмий натижаларга асосан - аутизм спектридаги бузилишлари бўлган болаларда клинικο-этиологик ҳамда дифференциал ташхис мезонларини аниқлаш, терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш, ушбу бузилишларнинг шакли, оғирлик даражаси ва жинсга хос фарқларига боғлиқ патогенетик механизмларни аниқлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

«Аутизм бузилиши бўлган болаларда психомотор терапия» (Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2025 йил 26-мартдаги 6/7 баённомаси) ҳамда «Аутизм спектридаги бузилишлар бўлган болаларда клиник белгиларнинг яққоллиги даражасини аниқлаш» (Тошкент давлат стоматология институти Илмий кенгашининг 2025 йил 28 мартдаги 6/7-сонли баённомаси) мавзусидаги услубий тавсиянома натижалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашнинг 2025 йил 20 майдаги 14/37-сонли хулосасига мувофиқ амалиётга жорий этилди;

*биринчи илмий янгилик:* аутизм спектридаги бузилишлар (Каннер ва Аспергер синдромлари) бўлган болаларда неврологик бузилишларнинг асосида нейродинамик ва регулятор ўзгаришлар, шунингдек, эмоционал-шахсий ( $p < 0,001^*$ ), нутқ ( $p < 0,001^*$ ), ижтимоий-коммуникатив ( $p < 0,001^*$ ), моторика ( $p < 0,001^*$ ) соҳаларидаги ўзгаришлар ва 85,08% ҳолатда ўрта ҳамда оғир даражадаги когнитив етишмовчиликлар мавжудлиги илк бор илмий асосда тасдиқланди. Ушбу далиллар 2025 йил 28 мартдаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг №01-р/95-т-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Аутизм спектридаги бузилишлари бўлган болаларда клиник белгиларнинг яққоллик даражасини аниқлаш» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Илмий натижалар Республика болалар психоневрология касалхонаси (У.К.Курбанов номидаги) - буйруқ №44, 2025 йил 9 апрел ва Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази - буйруқ №89, 2025 йил 16 апрел асосида клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Каннер ва Аспергер синдромлари учун ишлаб чиқилган дифференциал-диагностик мезонлар асосида терапевтик ёндашувни индивидуаллаштириш, бемор болаларда эрта коррекция, ижтимоий реабилитация ва таълим жараёнига тўғри интеграцияни таъминлаш имкониятини яратади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Аутизм спектри бузилишлари бўлган болаларда асоратларнинг олдини олиш, ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш ва мақбул терапияни амалга ошириш орқали ҳар бир бола учун 1 100 000 сўм миқдорида бюджет маблағларини тежаш имкони яратилади. Бу маблағ амбулатор шартларда даволаш, педагогик-психологик кўмак ва реабилитация жараёнларига йўналтирилиши мумкин. *Хулоса:* Ушбу илмий янгиликни аутизм спектридаги бузилишларга эга бўлган болаларда қўллаш соғлиқни сақлаш тизимида самарали ташхис ва терапия моделини жорий қилишга хизмат қилади. Шунингдек, бир беморга 1 100 000 сўм атрофида маблағни тежаш имконини бериб, бюджет ва бюджетдан ташқари харажатларни оптималлаштиради;

*иккинчи илмий янгилик:* Каннер ва Аспергер синдромларида кузатиладиган асосий клиник белгилари оғирлик даражаси ва ифодаланиш хусусиятларига кўра, патогенезда иштирок этувчи нейротрансмиттерлар, нейропротектив механизмлар, гипоксик-ишемик асаб тўқималарининг шикастланиш даражалари, шунингдек, яллиғланишга қарши ситокинлар концентрацияси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик илк бор аниқланган ва илмий жиҳатдан асослаб берилган. Ушбу кўрсаткичларнинг интеграл

тахлилига асосланган ҳолда, этиопатогенетик терапия йўналишлари шакллантирилди. Ушбу натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 28 мартдаги №01-р/94-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Аутизм бузилиши бўлган болаларда психомотор терапия” номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Илмий янгилик Республика болалар психоневрология касалхонаси (У.Курбонов номидаги) томонидан 2025 йил 9 апрелдаги №44-сонли буйруқ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги №18-сонли хулосаси асосида амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Каннер ва Аспергер синдромларида неврологик ўзгаришларга таъсир қилувчи нейрохимик биомаркерларнинг аниқланиши ва уларга асосланган этиопатогенетик терапия усуллариининг жорий этилиши, болаларда стационарда даволаниш муддатини қисқартириш, когнитив имкониятларни тиклаш ва уларнинг ижтимоий мослашувини яхшилашга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Аутизм спектридаги бузилишларда асоратларнинг олдини олиш, эрта ва аниқ ташхис ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш усуллари орқали ҳар бир бемор учун тахминан 1 350 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконияти яратилади. Ушбу маблағлар мақсадли равишда амбулатор реабилитация ва психоневрологик кўмакни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин. *Хулоса:* аутизм спектридаги бузилишларда нейрохимик ва яллиғланиш биомаркерларига асосланган патогенетик терапияни жорий этиш клиник самарадорликни оширади ва стационар даволаш муддатини қисқартиради. Бунда ҳар бир бемор учун 1 350 000 сўм миқдорида маблағ тежалиши орқали соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий самарадорликка эришилади;

*учинчи илмий янгилик:* Каннер ва Аспергер синдромлари билан касалланган болаларда серотонин, гамма-аминомасляная кислота (GABA), окситоцин, миянинг нейротрофик омили (BDNF) экспрессияси пасайиши ҳамда β-эндорфин, нейроспецифик оксил S-100, интерлейкин-6 (IL-6) ва ісқовчи омил TNF-α даражасининг ортиши аутизм спектридаги бузилишларнинг патогенезида асосий роль ўйнаши ва уларнинг клиник ифодаси оғирлигини белгилаб бериши илмий жиҳатдан асослаб берилди. Ушбу нейробиологик кўрсаткичлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланиб, патогенетик тарзда йўналтирилган психомотор терапияни индивидуаллаштириш мезонлари ишлаб чиқилди. Олинган далиллар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 28 мартдаги №01-р/94-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Аутизм спектридаги бузилишлари бўлган болаларда психомотор терапия» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига киритилди ва амалиётга Республика болалар психоневрология касалхонаси (У.К.Қурбанов номидаги) - буйруқ №44, 2025 йил 9 апрел ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази - буйруқ №89, 2025 йил 16 апрел асосида жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Нейробиологик маркерлар (серотонин, GABA, окситоцин, BDNF, β-эндорфин, S-100, IL-6 ва TNF-α) экспрессия даражасига қараб этиопатогенетик терапия усулини танлаш имкони пайдо бўлиб, бу

Каннер ва Аспергер синдромли болаларда клиник белгиларни камайтириш, функционал ҳолатни яхшилаш ва стационарда қолиш муддатини қисқартиришга ёрдам беради. Шунингдек, мазкур биомаркерлар патогенетик жараёнларни чуқур тушуниш имконини беради ва замонавий назарияларни илмий асос билан бойитишга хизмат қилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Диагностик ва даволаш алгоритмларини самарали жорий этиш орқали аутизм спектридаги бузилишлар билан боғлиқ асоратларни эрта аниқлаш ва мақбул терапия ўтказиш йўли билан ҳар бир бемор учун 1 100 000 сўм миқдорида бюджет маблағларини тежаш имконияти яратилади. Бу маблағлар асосан стационар даволаш харажатлари ҳисобидан тежаллади. *Хулоса:* Аутизм спектридаги бузилишларда нейробиологик кўрсаткичлар асосида терапевтик стратегияни индивидуаллаштириш клиник самарадорликни оширади ва болаларни стационар даволаш муддатини қисқартиради. Бу орқали ҳар бир бемор учун 1 100 000 сўмгача бюджет маблағларини тежашга эришилиб, соғлиқни сақлаш тизимида иқтисодий барқарорлик таъминланади;

*тўртинчи илмий янгилик:* аутизм спектридаги бузилишлар бўлган болаларда психомотор терапияни дифференциал ёндашув асосида - яъни патологик жараённинг оғирлик даражаси, клиник белгиларнинг ифодаланиш кучайиши ва когнитив бузилишларнинг мавжудлигига қараб индивидуал равишда қўллашнинг клиник афзалликлари илмий жиҳатдан асослаб берилди. Мазкур ёндашув клиник симптомларнинг регрессини ва когнитив фаолиятнинг яхшиланишини таъминлашда самарали экани билан аҳамиятлидир. Олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 28 мартдаги №01-р/94-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Аутизм спектридаги бузилишлари бўлган болаларга психомотор терапия» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Таклиф этилган терапевтик ёндашув Республика болалар психоневрология касалхонаси (У.К.Қурбанов номидаги) — буйруқ №44, 2025 йил 9 апрел ҳамда Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази — буйруқ №89, 2025 йил 16 апрел асосида амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликни ижтимоий самарадорлиги:* Аутизм спектридаги бузилишларда психомотор терапиянинг дифференциал қўлланилиши беморларни реабилитация жараёнига тезроқ жалб қилиш, клиник белгиларни юмшатиш ва уларнинг соғломлашувини тезлаштириш имконини яратади. Шу орқали стационарда даволаниш муддати қисқаради ва болаларнинг таълим ва ижтимоий муҳитга интеграцияси осонлашади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* аутизм турларини ўз вақтида аниқлаш ва патогенетик терапияни белгиланган даражада ўтказиш келгусидаги асоратларнинг олдини олишга хизмат қилиб, ҳар бир терапия учун 1500000 сўмгача бюджет маблағларини тежаш имконини беради. Бу маблағлар реабилитация марказлари ва амбулатор даволашни молиялаштиришда қайта йўналтирилиши мумкин. *Хулоса:* Аутизм спектридаги бузилишлар учун ишлаб чиқилган дифференциал психомотор терапия усули болаларда симптомлар регрессини таъминлаб, даволаш муддатини қисқартиради. Бу орқали ҳар бир бемор учун 1500000 сўмгача

бюджет маблағларини тежаш имкони вужудга келиб, соғлиқни сақлаш тизимида ресурсларни мақсадли сарфлашга хизмат қилади;

*бешинчи илмий янгилик:* аутизм спектридаги бузилишларга эга бўлган ва психоневрологик аломатлар намоён бўлган болаларни клиник, нейропсихологик ва биохимик жиҳатдан комплекс баҳолаш асосида ишлаб чиқилган ташхис моделлари юқори даражадаги специфик ва сезгирликка эга эканлиги илмий жиҳатдан тасдиқланган. Ушбу илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил 28 мартдаги №01-р/94-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Аутизм спектридаги бузилишлари бўлган болаларда клиник белгиларнинг яққоллик даражасини аниқлаш” ҳамда “Аутизм спектридаги бузилишлари бўлган болаларда психомотор терапия” мавзусидаги услубий тавсияномалар мазмунига киритилди. Ишлаб чиқилган ташхис алгоритмлари Республика болалар психоневрология касалхонаси (У.К.Қурбанов номидаги) - буйруқ №44, 2025 йил 9 апрель ва Наманган вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази - буйруқ №89, 2025 йил 16 апрель асосида амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Болаларни эрта аниқлашга хизмат қилувчи комплекс ташхис моделларининг жорий этилиши аутизм спектридаги бузилишларга эга беморларни вақтли равишда коррекцион, таълимий ва психотерапевтик дастурларга жалб қилиш имконини яратади. Бу болаларнинг когнитив, ижтимоий ва таълимий интеграциясини яхшилаш, жамиятда тўлақонли фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Юқори сезгирликка эга ташхис алгоритми асосида патологияни эрта аниқлаш ва мақсадли даволаш орқали келгусида пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг олди олинади. Бу эса ҳар бир болани стационар ва мураккаб реабилитация жараёнларидан эҳтиёжсиз қилади, натижада умумий харажатлар қисқаради ва соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий тежамкорлик таъминланади. *Хулоса:* Аутизм спектридаги бузилишларга чалинган болаларни комплекс клиник, биохимик ва нейропсихологик баҳолаш асосида ишлаб чиқилган ташхис модели юқори аниқлик ва ишончлилиқни таъминлайди. Мазкур илмий янгиликни амалиётга жорий қилиш орқали эрта диагностика, мақсадли даволаш, ижтимоий реабилитация ва бюджет ресурсларини оқилона бошқаришга эришилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси ёритилган.

Диссертациянинг “**Аутизмда неврологик бузилишларнинг замонавий талқини (адабиётлар шарҳи)**” деб номланган биринчи бобида болаларда аутизм спектри бузилишларининг бугунги кундаги тушунчалари билан боғлиқ мунозарали муаммоларга оид мавжуд илмий адабиёт манбалари маълумотлари акс эттирилган. Шу билан бирга, аутизм спектри кўринишларининг шаклланиши патогенези, шунингдек, ушбу патология шакллари эрта ташхислаш ва фарқлаш муаммоларининг юқори аҳамияти белгиланди.

Диссертациянинг “**Аутизм спектри бузилишларининг клиник-неврологик ва патогенетик хусусиятлари усуллари**” деб номланган иккинчи бобида 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган аутизм спектрининг бузилиши билан оғриган 240 нафар беморни текшириш учун қўлланилган усулларнинг хусусиятлари тавсифланган. Текширилган болаларнинг умумий сонидан ўғил болалар - 187 (78,0%) беморни, қизлар - 53 (22,0%) беморни ташкил этди. Қўйилган мақсад ва тадқиқот вазифаларига қараб, барча болалар куйидаги гуруҳларга бўлинган: I-гуруҳ беморлари Кеннер синдроми бўлган болалар (Ф 84.0) - 129 (53,8%), II-гуруҳга Аспергер синдроми бўлган беморлар (Ф 84.5) – III- (46,2%) киритилган. Ташхисни тасдиқлаш ХКТ-10 мезонларига асосланган. Нейропсихологик ҳолатни баҳолаш учун назорат гуруҳига жинси ва ёши бўйича таққосланадиган, аутизм бузилишининг ҳеч қандай белгилари бўлмаган 60 нафар бемор киритилган, улардан 32 нафари (53,3%) ўғил болалар ва 28 нафари (46,7%) қиз болалар эди.

Аутизм касаллиги билан оғриган беморларда олиб борилган тадқиқот ишига куйидаги муаммоларнинг ишланмалари киритилди: анамнестик маълумотларни, касалликнинг турли муддатларини, кўринишларнинг оғирлигини ва бошқа ёндош касалликларни ҳисобга олган ҳолда аутизмли болалар саломатлигининг дастлабки ҳолатини энг холис таҳлил қилиш; аниқланган клиник-неврологик ва нейропсихологик хусусиятларга асосланиб, Каннер синдроми ва Аспергер синдроми гуруҳлари ўртасида дифференциал ташхис ўтказиш; касалликнинг оғирлиги, клиник кўринишлари, гиперактивлик даражаси ва интеллект даражасига қараб аутизмнинг патогенетик жараёнларига таъсир қилувчи нейротрансмиттер, нейротрофик, нейропротектив ва иммунологик омилларнинг ҳолатини аниқлаш орқали бош миянинг патологик жараёнга жалб этилганлик даражасини баҳолаш.

Диссертациянинг “**Каннер ва Аспергер синдроми билан оғриган болаларда клиник ва психологик хусусиятлар**” деб номланган учинчи бобида ўз тадқиқотларимиздан олинган натижалар батафсил баҳоланган.

Текширилган беморларнинг умумий сонидан КС билан касалланган болалар 129 (53,75%) нафарни, 3-6 ёшдагилар 52 (40,3%) нафарни, 7-11 ёшдагилар 77 (59,7%) нафарни ташкил этди. Аспергер синдроми (АС) билан оғриган беморлар - 111 (46,25%), 3-6 ёшда - 45 (40,5%) ва 7-11 ёшда - 66 (59,5%) бола эди. Ёш гуруҳларини гуруҳга қараб таққослаганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни ( $p=0,971$ ) аниқлашнинг иложи бўлмади. Каннер синдроми билан 1 ёшгача бўлган манифестация ёши - 108 (83,7%) болада, Аспергер синдроми билан гер - 10 (9,0%) болада кузатилди. 1-3 ёшда касалликнинг бошланиши Каннер синдроми билан 21 (16,3%) болада, Аспергер синдроми билан эса - 101 (91,0%) беморда кузатилган. Олинган маълумотларга кўра, гуруҳга қараб намоён бўлиш ёшини баҳолашда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди ( $p<0,001$ ) (қўлланилган усул: Пирсон  $\chi^2$ ).


Анамнестик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларда асаб-руҳий касалликлар бўйича ирсий мойиллик кам эмас. Туғруқ пайтидаги бузилишларнинг катта фоизи онанинг туғруқ фаолияти дискоординатсияси ва неонатал даврда мия шикастланиши эҳтимоли ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиши мумкин. Туғилиш пайтидаги патологик ҳолатлар таҳлили қуйидаги бузилишларни аниқлади: энг кўп учрайдиган патологиялар серебрал ишемия II даражаси (ўртача оғирлик) бўлиб, у КС болаларида - 82 (63,6%) ҳолатда, СА билан оғриган беморларда 71 (64,0%) ҳолатда қайд этилган; ҳомила ичи инфекцияси I-гуруҳда - 73 (56,6%), II-гуруҳда - 33 (29,7%); нафас олиш бузилиши синдроми КС - 60 (46,5%), СА - 35 (31,5%); камқонлик I-гуруҳ - 52 (40,3%), II-гуруҳ - 30 (27,0%); марказий асаб тизимининг сиқилиш синдроми Каннер синдроми билан оғриган болаларда - 40 (31,0%) ҳолатда, Аспергер синдроми билан оғриган болаларда эса - 20 (18,0%)

240 нафар боладан иборат гуруҳда неврологик ҳолатни ўрганишда биз қуйидаги ўзгаришларни аниқладик: III, IV, VI жуфт дисфункциялар, улар КС билан оғриган болаларда 22,5% ( $n=29$ ), АС билан оғриган болаларда 19,8% ( $n=22$ ) ҳолларда конвергенциянинг заифлиги кўринишида намоён бўлди; ҳаракат соҳасидаги бузилишлар қуйидагилар билан намоён бўлди: асосан оёқларнинг дистал қисмларида гипертония, у КС билан оғриган беморларнинг 25 (19,4%) нафарида ва АС билан оғриган болаларнинг 16 (14,4%) нафарида аниқланди; ўртача гипотония тури бўйича мушак тонусининг пасайиши КС билан оғриган беморларнинг 18 (14,0%) нафарида ва АС билан оғриган беморларнинг 7 (6,3%) нафарида; бундан ташқари, координатор соҳада бузилишлар кузатилди. Касалликнинг оғирлик даражасини CARS шкаласи бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аутизм билан касалланган болаларнинг ўртача ва оғир даражадаги барча ўрганилган гуруҳларидаги барча балл кўрсаткичлари назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори ( $p<0,001$ ), касалликнинг оғир

даражасидаги қийматлар эса касалликнинг ўртача оғирлик даражасидаги аналогик қийматлардан сезиларли даражада ошган ( $p < 0,001$ ). аутизмнинг оғирлик даражасига қараб беморлар гуруҳларини таҳлил қилганда, биз ўртача даража Аспергер синдромида - 92 (59,0%) Каннер синдромига қараганда сезиларли даражада устунлигини аниқладик, оғир даража эса Каннер синдромида - 65 (77,4%) Аспергер синдромига қараганда сезиларли даражада устунлик қилди.

М.А.Поваляева усулидан фойдаланган ҳолда АСБ бўлган болаларда нутқ ривожланишини баҳолаш, Каннер синдроми бўлган гуруҳда нутқ ривожланиш коэффициентини аниқлашга имкон берди -  $17,7 \pm 6,7$  балл, Аспергер синдроми бўлган гуруҳда эса -  $24,9 \pm 3,9$  балл. Нейропсихологик тест таҳлили оғир нутқ ва ижтимоий хулқ-атвор бузилишларида акс этган миянинг оптимал фаолиятининг диффуз бузилишини кўрсатди. Текширилган беморларнинг иккита гуруҳидан Каннер синдроми бўлган болалар тест ўтказишда энг катта аҳамиятли қийинчиликларни бошдан кечирдилар, бу қийинчиликлар деярли барча тест топшириқларини бажаришда аниқланди.

